



20 20 у « 20» октябрь

№ Қ-582

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви  
“Қахрамон” маҳалласи худудидан “JANUB  
AGROFRESH” МЧЖга иссиқхона қуриш  
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/667-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 07 сентябрдаги 01-08/334-сонли хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/667-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Қахрамон” маҳалласи худудидан “JANUB AGROFRESH” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 268қ-дала контуридаги 4,50 гектар суғориладиган экин ер майдонини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “JANUB AGROFRESH” МЧЖ раҳбари С.Худойшукуровга:  
ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов